

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022-220-13-194-ХТ-

2022 й. «20» 5

сон

Бўстон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкальа тумани ХТБ номидан Низоми асосида иш кўрувчи А.Нурумбетов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, ХТБга карашли 57-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва объектни фойдаланишга тайёр ҳолда куришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига ХТБга карашли 57-сон мактабини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «17» майдаги лот 83124-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, ҚҚС 15% 127089805,43 (бир юз йиғирма етти миллион саксон түккиз минг саккиз юз беш) сўм 43 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 974 355 175 (түккиз юз етмиш түрт миллион үч юз эллик беш минг бир юз етмиш беш минг сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номива манзили туғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 -иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказилади,бу 292 306 552,5 (икки юз тўқсон икки миллион ўч юз олти минг беш юз эллик икки сўм 50 тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни 682 048 622,5 (олти юз саксон икки миллион кирксаккиз минг олти юз йигирма икки сўм 50 тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади .

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар .

18.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар , у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек,қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

Х.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи :

барча ишлар тўликҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари , қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини ;
ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI.ТОМОНЛАРНИНГМУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдориде пеня тўлайди , бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга , қурилиш меъёрлари ва қоидаларига , иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса , у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда , мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида , шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориде пеня тўлайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар

олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, **2022 йил 31 декабргача** ўз кучида қолади.


36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (Знусхада) тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БҮЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман ХТБ	ISLAMBAV REIMOV MЧЖ
Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 32 19	Манзили: Элликқалъа тумани
ш/х*401 722 860 352 507 092 100 075 005	Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблағ олувчи	х/р:2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 200 914 240 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Халк банк Элликқалъа ф.
Ғазначилик бўлинмаси номи	ИНН:306 325 129 МФО: 00646
Элликқалъа Ғазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТшББ МФО 00014	
ғазначилик бўлин-и СТИРи 201 122 919	
Рахбари: А.Нуримбетов	Рахбари: И. Райимов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyixa mazmuni: – Ellikqal'a tumani Xalq ta'limi bo'limi va "Pudratchi Islambay Reymov" MCHJ o'rtasida 974 355 175 (to'qqiz yuz etmish to'rt million uch yz ellik besh ming bir yuz etmish besh) so'mlik shartnomasini tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 18-may kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022-yil 18-may kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998-yil 29-avgust kungi 670-I son "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlari asosida tuzilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 14.09.2021-yildagi PF-6313-son xo'jalik yurituvchi sub'yektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar belgilanadi.

Shartnomaning tarafi va u tomonidan jalb qilingan shaxslar (yordamchi pudratchi tashkilotlar, agentlar va taraflar nazorati ostidagi boshqa shaxslar) tomonidan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlarga rioya etilmaganda, ikkinchi taraf shartnomani bir taraflama to'xtatib turishga, bekor qilishga hamda zararni qoplab berishni talab qilishga haqli bo'ladi;

4. Boshqa xulosalar:

Yuqoridagilarni inobatga olib, shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, Ellikqal'a tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan taqdim etilgan ushbu xo'jalik shartnomasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish maqsadga muvofiq deb hisoblanadi.

Markaz bosh yuriskonsulti:



J.Begmetov.
18.05.2022y